



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MONOPOLIYAGA
QARSHI KURASHISH QO‘MITASI HUZURIDAGI
ISTE‘MOLCHILAR HUQUQLARINI HIMOYA QILISH AGENTLIGI**

**CONSUMER PROTECTION AGENCY
UNDER THE ANTIMONOPOLY COMMITTEE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**



100128, Toshkent sh., Labzak ko‘chasi, 3-uy, Tel.: (998 71) 207-46-00, Tel.: (998 71) 241-22-53
Ishonch telefoni: 1159, Sayt: consumer.uz, e-mail: info@consumer.uz, e-xat: consumer@exat.uz

“25” август 2021 й. № 02-06/4107

**Оммавий ахборот воситалари,
ташқи реклама объектлари
(конструкциялари) эгалари,
реклама агентликлари**

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 сентябрдаги ПФ-5817-сон Фармони*).

Агентлик томонидан реклама ахборотларини тарқатишда (жойлаштиришда) амалдаги реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мослиги юзасидан ўрганиш ва таҳлил ишлари олиб борилмоқда.

Бугунги кунда товарларни (хизматларни) реализация қилишни амалга оширувчи субъектлар томонидан чегирмалар мавсуми доирасида товар (иш, хизматлар) нархларидан чегирмалар (бошқа тижорат бонуслари) белгилаш кенг йўлга қўйилган.

Ўз навбатида, аҳоли ўртасида чегирмаларга бўлган қизиқиш кундан-кунга ортиб бормоқда ҳамда кенг тарғиб қилиниб, катта қизиқиш уйғотмоқда.

Хусусан, товар (иш, хизматлар) нархларидан чегирмалар тақдим қилиниши борасидаги реклама ахборотларида “- 10%”, “- 20%”, “- 30%”, “- 40%”, “- 50%”, “- 60%”, “- 70%”, “- 80%” ва бошқа шу каби ноаниқ иборалардан кенг фойдаланилмоқда. Аслида эса, чегирмалар турли кўринишда тақдим этилиши ва товарлар турига, ўлчамига, мавсумийлигига, коллекциясига (янги-эскилигига) қараб фарқланиши маълум бўлмоқда. Бу эса, рекламадан фойдаланувчиларда ёлғон таассурот уйғотиши шубҳасиз.

Шу ўринда, товар (иш, хизматлар) нархларига чегирмалар (бошқа тижорат бонуслари) белгилашда “гача” иборасини қўллаган ҳолда “- 50% гача”, “- 60% гача”, “- 70% гача”, “- 80% гача” каби **аниқ ибораларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ**. Зеро, бу билан рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олишга эришилади.

Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 6-моддасига мувофиқ, **ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)** истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида **зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт**.

Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан қонунийлик, **аниқлик, ишончлилик**, рекламадан фойдаланувчига зарар, шунингдек маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш рекламага доир асосий талаблардир.

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: EZ24465774

Шунингдек, ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши оқибатида рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган реклама нотўғри (инсофсиз, билатуриб ёлғон) реклама ҳисобланиб, бундай реклама тақиқланади *(13-модда)*.

Юқоридагиларга асосан, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида, реклама берувчи ва тарқатувчилар томонидан қонунийлик, аниқлик, ишончлилик таъминланишига қатъий амал қилишлари, рекламадан фойдаланувчиларга зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланган ҳолда фаолият юритишлари ва энг асосийси истеъмолчиларни чалғитадиган ёлғон ёки ноаниқ маълумотларни реклама воситаларида тарқатмасликлари сўралади.

Директор ўринбосари



А. Қурбонов